

## МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ – ТАРАҚҚИЁТ ТЎСИҒИ

Жамиятга катта зарар келтирадиган иллатлардан бири – манфаатлар тўқнашуви. У бор жойда соҳалар ривожланиш ўрнига, орқага кетади, адолатсизлик бўлади, ўзаро ишонч сўнади, мутахассислар салоҳияти рўёбга чиқмайди.

Манфаатлар тўқнашуви бу шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мансаб, хизмат мажбуриятларини объектив ва холис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазият ҳамдир. Ўз вақтида бунга қарши кескин курашилса, яъни манфаатлар тўқнашувига чек қўйилса, коррупция барҳам топади, иш фаолиятида ўзгариш, ривожланиш бўлади.

Жорий йил 5-июнь куни Президентимиз томонидан “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни имзоланди. Бу қонун билан манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва тартибга солишнинг аниқ тартиби белгиланди. Унинг давлат ва жамият ривожини учун аҳамияти юқори.

Қонуннинг асосий ғояси жамият ва давлат манфаатлари шахсий манфаатлардан устун экани билан характерли. Асосий мақсад мансабдор шахсларнинг ноқонуний даромад олишининг олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этишдан иборатдир.

Ўз моҳиятига кўра, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” қонун коррупцияга қарши кураш сиёсатининг асоси бўлиб, давлат хизматининг ҳалол, шаффоф, ҳисобдор ва самарали таъминланишининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Манфаатлар тўқнашуви тушунчасига аниқ таъриф берилган бўлиб, унга кўра, манфаатлар тўқнашуви давлат ташкилоти ходимининг, унинг яқин қариндошларининг ва унга алоқадор шахсларнинг шахсий манфаатлари билан фуқароларнинг, ташкилотнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келган ва келаётган ёхуд юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир.

Қонун давлат органи хизматчиси ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариш, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслик, ўзида ёки бошқа ходимларда содир бўлиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олишда мажбуриятлар юклайди.

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси ёки ходими томонидан манфаатлар тўқнашуви тўқнашуви мавжудлиги ҳақида хабар бермаслик учун қонунда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Шунингдек, мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан чоралар кўрмаслик ҳам жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонуннинг яна бир томони, эндиликда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги сабабли давлат ташкилотига молиявий-иқтисодий зарар етса, ушбу зарарни манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган инсоннинг ўзи қоплайди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат идораларида коррупциявий омилларнинг камайишига, давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга хизмат қилади. Бундай ҳолатларни аниқлаш ва тартибга солишнинг самарали механизмларини жорий этиш, унинг ҳуқуқий оқибатларини аниқ белгилаш, давлат хизматида таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликнинг олдини олишга замин яратади.

Биз – “Ўзметкомбинат” АЖ жамоаси ҳам манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши ҳамкорликда муросасиз курашишимиз шарт. Бу ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бир соҳада ишлаётган ҳамкасбларимизнинг ўз фойдасини ўйлаб, комбинатимизга зарар келтиришига бефарқ бўлмайлик. Бефарқлик, нафақат комбинатимизга балки, касбдошимизнинг келажагига, унинг оиласига, фарзандларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Комбинатнинг ҳар бир раҳбар ва ходими ўз лавозим мажбуриятларини, хизмат ваколатларини сидқидилдан ҳалол бажариши, шахсий манфаатлари билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларга аралашмаслиги керак. Аксинча бундай ҳолатлар ҳақида хабар

топганлар “Манфаатлар тўқнашуви тўғриси”даги қонунда белгиланганидек ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисида хабар бериши зарур.

Биз ҳалқимиз, оиламиз билан кучли тараққий этган давлатда, фаровон ҳаётда яшашни хоҳлар эканмиз, коррупциянинг асоси бўлган манфаатлар тўқнашувига биргаликда қарши курашишимиз даркор.

Тўлқин ХОЖИЕВ “Ўзметкомбинат” АЖ Корпоратив  
хавфсизлик ва ресурсларни ҳимоя қилиш департаменти  
директори